

“Тасдиқлайман”



Конимех туман касб-хунар

мактаби директори

А.Х. Худайбердиев

2022 йил

Конимех туман касб-хунар мактаби

**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Конимех туман касб-хунар мактабига <b>Электрогаз пайвандлаш аппаратлар тўплами ва жихозлари</b> олиб бериш
2	Буюртмачи	Конимех туман касб-хунар мактаби
3	Буюртма учун асос	Харажатлар сметаси
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Навоий вилояти Конимех тумани
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Конимех туман касб-хунар мактабига рўйхатдаги жихозларни олиб бериш Шунингдек танловда қатнашиш учун кўрсатилган маълумотларни аниқ ва сифатли жойлаштириш. Ташкилотнинг мазкур хизматни амалга оширишга рухсат берувчи ЛИЦЕНЗИЯ нусхаси (ташкилот мухри босилган ҳолда)
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома. Ушбу фаолият билан шуғулланишга рухсат берувчи хужжат.
7	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Белгиланган талаблар асосида энг яхши таклиф тақдим қилиниб шартнома ғазначилик бўлимидан ўтказилгандан сўнг олдиндан 30 фоиз тўлаб берилади. Шартномада кўрсатилган хизматлар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг қолган 70 фоиз маблағ кучириб берилади,
8	Ишни бажариш муддати	Шартномада кўрсатилган муддат бўйича.
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тўла риоя қилиш шарт.
10	Молиялаштириш манбаалари	Конимех туман касб-хунар мактаби 2022 йил харажатлар сметаси (ташаббусли бюджет)

“Тасдиқлайман”

Конимех туман касб-хунар  
мактаби директори



А. А. Қудайбердиев

2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

**Конимех - 2022**



## Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### I. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Конимех туман касб-хунар мактабига **Электрогаз пайвандлаш аппаратлар тўплами ва жихозлари** сотиб олиш
- 1.2. Танловнинг юқори қиймати – 40 000 000 (Қирқ миллион ) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайдн.
- 1.3. Махсулот буйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган. Ушбу танлов яқунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчн ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4 Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Конимех туман касб-хунар мактаби (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон. Навоий вилоят Конимех тумани Наврўз МФЙ Аженияз кўчаси 58-уй Эл.адрес: gulshan258888@gmail.com
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Конимех туман касб-хунар мактаби “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 2.4. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 2.5. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:  
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқот ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.
- 2.6 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.
- 2.7 Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
- 2.8 мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### 3. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

- 3.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар



“Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

3.2. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукукига эга.

#### **4. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

4.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

4.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

4.3 Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1 Давлат харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3 Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизмати) узгартиришга йул қуйилмайдн Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қурсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утқазиш туғрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини узгартирмаслиги керак.

6.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш туғрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.